

## Энди тоатингга юзланаман



08:00 / 24.09.2020 4062

Аббод ибн Аббод Маҳлабийдан ривоят қилинади: «Басра подшоҳларидан бири аввалига ибодат қилиб юриб, кейин дунё ва салтанатга машғул бўлиб кетди. У бир қаср қурдириб, уни ҳар хил гилам ва анжомлар билан безатди. Сўнг катта дастурхон ёзиб, одамларни чақирди. Улар қасрга кириб, ноз-неъматлардан еб, қасрни томоша қилиб ажабланар, подшоҳнинг ҳаққига дуо қилиб тарқалишар эди. Бир куни одамлар кетгач, подшоҳ ўзининг хос одамлари билан қолиб, шундай деди: «Бу қасримдан қанчалик хурсанд эканимни биласизлар. Энди ҳар бир ўғлим ҳам шундай қаср қуриб берсам деяпман. Уч-тўрт кун олдимда қолинглар, сизлар билан ўғилларимга қуриладиган қасрларни маслаҳатлашар эдим», деди. Улар бир неча кун унинг ҳузурида еб-ичиб, ўйин-кулги қилишди, подшоҳ улар билан ўғилларига қандай қаср қуришни маслаҳатлашди. Ана шундай қаср қуриш хаёли билан андармон бўлиб турганларида ҳовлидан бировнинг шундай

дегани эшитилиб қолди:

*Эй ўлимни унутиб қўйган бинокор,  
Бил, ўлим албатта битиб қўйилган.  
Одамлар севиниб, шод юрсалар ҳам,  
Орзуманднинг ажали белгиланган.  
Ўзинг яшамайдиган бино қурмагин,  
Қайт гуноҳни ўчирувчи ибодатга.*

Бу байтлардан подшоҳнинг ўзи ҳам, шериклари ҳам сесканиб кетишди. У шерикларига: «Мен эшитган нарсани сизлар ҳам эшитдингизми?» деди. Улар тасдиқлашди. Подшоҳ: «Мен ҳис қилган нарсани ҳис қиляпсизми?» деб сўради. Улар подшоҳдан нима ҳис қилаётанини сўрашди. «Юрагим сиқияпти, ўлимни ҳис қиляпман», деди подшоҳ. Мулозимлар подшоҳга «Умринг узоқ бўлади, ҳали кўп яшайсиз» деб, уни хотиржам қилмоқчи бўлишди. Лекин подшоҳ бояги байтлар таъсирида ҳаловатини йўқотган эди. У бироз индамай қолди. Кейин йиғлаб юборди-да, шерикларига қараб, «Сизлар менинг ёр-биродарларимсиз. Менга шунчалик яқин бўла туриб, нима учун мени ботил йўлдан, дунё хою-ҳавасларидан огоҳлантирмадиларинг?» деди. Дўстлари подшоҳга: «Нимани истасанг, бизга ҳам ўшани буюр», дейишди. Подшоҳ: «Ичкиликлар тўкиб ташлансин, кўнгилхушлик қилинадиган нарсаларни ҳам чиқариб ташлансин», деди. Кейин: «Аллоҳим, Сени ва атрофимдагиларни гувоҳ қиламанки, мен барча гуноҳларимдан тавба қилдим. Сен берган муҳлатда қилган барча ишларимга афсусдаман. Энди тоатингга юзланаман. Менга неъматингни тўлиқ қилиб бер, мени афв қил. Руҳимни қабз қилар чоғинг фазллинг билан барча гуноҳларимни кечиришингни сўрайман!» деди-ю, танасида бир оғриқ турди. Сал ўтмай, оғриқ кучая бошлади. Подшоҳ эса жони узилгунча тинмай: «Аллоҳ, ўлим! Аллоҳ, ўлим!» дейишдан тўхтамади. Фақиҳлар уни тавбада ўлган деб ҳукм қилишди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**